

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

**140 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банки ва унинг шўъба тузилмалари фаолияти
такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси
Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартериш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва унинг шўъба тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек қонунчилик нормаларининг бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсан.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ушбу қарор билан Банк уставига киритилаётган ўзгартериш ва қўшимчаларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 26 март,
70-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 26 марта гаги 70-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартериш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 январдаги 45-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Уставида:

а) 7-бандда:

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Банкнинг электрон почта манзили: info@central.nbu.uz ва webmaster@central.nbu.uz;»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) 23-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«Банк Кенгаши Банк бошқарувининг юқори коллегиал органи ҳисобланади ва етти нафар аъзодан, жумладан Банк Кенгашига бошчилик қиладиган Раисдан иборат. Банк Кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади»;

в) 26-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«Банкнинг ижро этувчи органи 15 нафар аъзодан, жумладан Бошқарувни бошқарадиган Раисдан иборат бўлган Бошқарув ҳисобланади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Уставига ўзгартериш ва қўшимчалар кириши тўғрисида» 2013 йил 23 январдаги 15-сон қарорида:

а) 2-бандга қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш хақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 10-сон, 104-модда) амал қилиши татбиқ этилмайди»;

б) қўйидаги мазмундаги 2¹-банд қўшилсин:

«²1. Белгилаб қўйилсанки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан кредит ва бошқа мажбуриятларни қоплаш ҳисобига ундирилган мол-мулкни, банк қурган ва кураётган кўчмас мулк объектларини, шунингдек бошқа объект ва инвестицияларни сотишдан олинган маблағларга давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган маблағлар сифатида қаралмайди».